

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan
yo'llar – hissiy anglash, rost xabar va aqlidir.

Imom Moturidiy

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолiddин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари
бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги
04-07/8931-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолiddин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фаҳриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Zohidjon Islamov.

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

Ramil Adygamov.

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

Zafar Fakhriddinov.

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили 23

Jurabek Chutmatov.

Ҳаким Термизий тафсирининг илк наشري 31

Ahmadkhan Alimov.

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш услуби 51

Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

ДИНШУНОСЛИК

Nigora Yusupova.

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг ҳуқуқий асослари 65

Odiljon Ernazarov.

Shamsuddin Samarqandiyning xristianlik haqidagi qarashlari 74

Jurabek Sodikov.

«Ta'vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e'tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili 80

Shahzoda Abduraimova.

Distribution of religious media contents on websites in Germany 90

Behzodbek Soipov.

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамойилининг аҳамияти..... 96

ИСЛОМ ТАРИХИ

Sanabar Djurayeva.

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi 103

Muhabbatkhan Agzamova.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий ёритишдаги аҳамияти 108

Lola Azimova.

Марказий Осиё цивилизацияси ривожда илмий масканларнинг ўрни..... 115

Oybek Sotvoldiyev.

«Ат-Табоқот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида 122

Zarifjon Arslonov.

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan mavzular tahlili 130

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Арбаин жанри хусусида 139

Akmalkhan Akmalkhanov.

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini 148

Dilfuza Sagdullaeva.

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услубий хусусиятлари 156

Feruza Nizamova.

Dehlaviy ijodida badiiyat an‘analari 163

Bahodirjon Azamov.

Ҳақим Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг манбашунослик таҳлили 171

Nigora J. YUSUPOVA,
*International Islamic Academy of Uzbekistan,
 Professor of ICESCO Department for Islamic
 Studies and Islamic Civilization.
 A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
 E-mail: nigora.jaloliddin.qizi@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/8

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ДУНЁВИЙЛИК ПРИНЦИПЛАРИГА АСОСЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

THE LEGAL FOUNDATION OF BASING ON THE PRINCIPLES OF SECULARITY IN STATE BUILDING IN UZBEKISTAN

ПРАВОВАЯ ОСНОВА ГОСУДАРСТВЕННОГО СТРОИТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ НА ПРИНЦИПАХ СВЕТСКОСТИ

КИРИШ

Тараққиётнинг дунёвийлик йўли – мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва конституциявий маслағидир. Ушбу маслак Ўзбекистон Республикасининг янги қабул қилинган Конституцияси 1-моддасида қуйидагича ўз аксини топди: «Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023:9).

Конституцияга янги киритилган «ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат» тушунчаларининг мазмун моҳиятини халқимиз айниқса, эртанги кунимиз эгалари бўлмиш ёшларимиз теран англамоқлари лозим. Ушбу мақолада мазкур тушунчалар моҳиятини имкон қадар ёритамиз.

Аввало, «Ижтимоий давлат» деганда нимани тушунамиз? Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 7 декабрда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллигига бағишланган табригида: «Айни вақтда биз Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз» (Мирзиёев Ш.М., 2021:1),

деб давлатимиз олдида турган муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб ўтган эди.

Мазкур табрикда «...ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли «Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат», деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди...» (Мирзиёев Ш.М., 2021:1), деб баён этилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ижтимоий давлат – бу ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ моддий бойликларни адолатли тақсимлашга қаратилган давлат моделидир.

Ижтимоий давлат функциялари – бу ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш; ишсизликка қарши курашиш; тадбиркорларга ёрдам; аҳолининг бандлигини ва даромадларини доимий ўсишини таъминлаш; таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва маънавий-маданий ривожланишнинг қулайлигини таъминлаш; жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, имтиёزلарни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратиш.

Ижтимоий давлат белгилари: – бу сифатли таълим, малакали ва мақбул тиббий хизмат; ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт; фуқаролик жамиятини ривожланганлиги; ижтимоий давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш; давлатнинг ҳар кимга муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва шахснинг ўзини ўзи англаши учун тенг бошланғич шароитларини таъминлаш мақсадларини тасдиқлаш; фуқаролар олдидаги ижтимоий масъулият; ижтимоий соҳага тўловларнинг юқори миқдори; ижтимоий ҳаётни яхши ривожланган тартибга солиш тизими; бюджетдан ижтимоий тўловларининг мавжудлиги; ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва бандлик давлат тизимларининг мавжудлиги; жамиятнинг барча муҳтож аъзоларини истисносиз ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги; фуқароларнинг фаровонлик даражаси учун давлат томонидан жавобгарликни қабул қилиш.

Ўзбекистон давлатининг сиёсий-ҳуқуқий мақомига киритилган «ҳуқуқий давлат» тушунчаси эса – бу демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор

Аннотация. Ўзбекистон қадимдан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар ва миллатлар яшаган ўлка ҳисобланади. Ушбу минтақада турли дин ва элат вакиллари ўзаро аҳил ва тинч-тотув, яшаб келганлари жуда кўплаб тарихий манбаларда қайд этилган.

Тарихан қараганда, ривожланган жамиятларда бошқа динларга эътиқод қилувчиларга бағрикенг муносабатда бўлган ва уларга ўз динларига мувофиқ ҳаёт кечиришларига тўсқинлик қилинмаган. Халқлар, элатлар, миллатлар ўзлари танлаган динлари доирасида эътиқод қилаверганлар ва ўзаро ҳамжиҳатликда, динлараро бағрикенгликда яшаганлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёни, туб ўзгаришлар самараси ўлароқ, динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, собиқ совет тизимининг атеистик ҳужумкорлик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди. Шунинг баробарида давлатчилигимиз демократик ривожланиш йўлини танлади.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг янги қабул қилинган Конституцияси 1-моддасида ўз аксини топган: «Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат» тамойилининг ҳар бир тушунчаси мазмун-моҳияти илмий асосда таҳлил қилинган.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида кутарилган ёшлар таълими ва тарбияси билан боғлиқ долзарб масала ўрганилган. Мурожаатномада янграган фикрлар асосида мақолада ёшлар тарбиясида экстремизм ва радикализмга қарши курашнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритилган ҳамда бу борада энг муҳим омил жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Давлат, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, таълим, маърифат, радикализм, жаҳолат, миллий ғоя, диний, бағрикенглик, маънавият, ҳуқуқий онг.

Abstract. Uzbekistan has long been a country inhabited by peoples and nations of various religions. In this region, representatives of different religions and classes lived in harmony with each other, as recorded in many historical sources.

Historically, developed societies tolerated adherents of various religions and denominations; they were not prohibited from living in accordance with their religion. Peoples and nations who followed their faith lived in an environment of mutual harmony and interreligious tolerance.

After our country gained independence, the process of renewal of spiritual life began, as a result of profound changes, the attitude towards religion radically changed, the atheistic offensive policy of the former Soviet system was stopped, and the freedom of conscience was guaranteed by law. At the same time, our statehood has chosen the path of democratic development.

This article analyzes using scientific methods the content and essence of each concept of Article 1 of the newly adopted Constitution of the Republic of Uzbekistan: «Uzbekistan is a sovereign democratic, legal, social, and secular state with a republican form of government».

Also, the article examines the current issue related to the education and training of young people raised in the Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis and the people of Uzbekistan. Based on the opinions expressed in the petition, the article discusses the moral-educational and legal foundations of the fight against extremism and radicalism in youth education, and the importance of the fight against ignorance, which is the most important factor in this regard, is analyzed.

Keywords: State, democratic, legal, social, secularism, education, enlightenment, radicalism, ignorance, national idea, religious, tolerance, spirituality, national idea, legal consciousness.

Аннотация. Узбекистан издавна был страной, населенной народами и нациями различных религий. В этом регионе представители разных религий и сословий жили в согласии друг с другом, что зафиксировано во многих исторических источниках.

Исторически сложилось так, что в развитых обществах толерантно относились к адептам различных религий и вероисповеданий, им не запрещалось жить в соответствии со своей религией. Народы, нации, которые следовали своей вере, проживали в среде взаимной гармонии и межрелигиозной терпимости.

После обретения нашей страной независимости начался процесс обновления духовной жизни, в результате всеобъемлющих перемен радикально изменилось отношение к религии, была прекращена атеистическая наступательная политика бывшей советской системы, свобода совести была гарантирована законом. При этом, наша государственность выбрала путь демократического развития.

В данной статье научными методами анализируется содержание и сущность каждого понятия статьи № 1 вновь принятой Конституции Республики Узбекистан: "Узбекистан — суверенное, демократическое, правовое, социальное и светское государство с республиканской формой правления".

Так же в данной статье исследуется актуальный вопрос, связанный с воспитанием и обучением молодежи, поднятый в Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана. На основании мнений, высказанных в Послании, в статье рассматриваются духовно-воспитательные и правовые основы борьбы с экстремизмом и радикализмом в воспитании молодежи, и важностью фактора в этом плане борьбы с невежеством с помощью просвещения.

Ключевые слова: Государство, демократический, правовой, социальный, светскость, обучение, просвещение, радикализм, невежество, религиозная толерантность, духовность, национальная идея, правосознание.

бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлатдир. Қолаверса, қонунларнинг бутун давлат ҳудудидаги устуворлиги, ҳокимиятлар ваколатининг бўлиниши, шахс ва давлатнинг ўзаро масъуллиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояланишидир.

Дунёвий давлат – давлат ҳокимияти ва бошқарувдан дин ажратилган, бошқарув диний қоидалар билан эмас, балки қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, қарорлар қабул қилишда диний асосларга таянлмайдиган давлатдир. Шунингдек, ҳеч қандай дин ва мафкура давлатнинг мажбурлов кучи билан ўрнатилмаслигини, уларнинг давлатдан айри эканлигини тавсифлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дунёвий давлатда дин давлатдан ва сиёсатдан ажратилса-да, жамиятдан ажратилмайди.

Бугунги замонавий ўзбек жамиятида Конституцияга киритилган дунёвийлик тушунчаси бир-биридан ажралмас уч қадриятга асосланади. Булар:

1. Виждон эркинлиги;
2. Барча дин ва диний ташкилотларнинг қонун олдида тенглиги;
3. Диннинг сиёсатдан ажратилганлиги.

Ҳар бир дунёвий давлатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам динга бўлган муносабат мамлакатнинг асосий қонуни ҳамда муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунлар орқали тартибга солинади.

Шу ўринда эслаб ўтиш лозимки, «дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги нисбат, унинг шаклий ўзгаришлари Марказий Осиёда доимо муҳим ўрин эгаллаб келган. Худуддаги ижтимоий-сиёсий воқеалар дунёвий-маърифийлик ва динийлик ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Дунёвийлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари ҳамиша ҳамоҳанглик касб этиб келган. Яъни дунёвийлик қотиб қолган догма эмас, аксинча, у мунтазам равишда такомиллашиб боровчи ҳодисадир. Замонавий илмий тилда айтганда, дунёвийлик модернизация деб номланувчи жараённинг ҳаракатлантирувчи кучдир. У жамият илмий салоҳиятининг узлуксиз ошиб бориши, технологик тараққиётнинг давомийлиги, иқтисодий ҳаётнинг ратсионаллашуви, маданиятнинг юксалиб бориши каби муҳим жараёнлар билан уйғун равишда такомиллашиб боради» Мелиқўзиев Ж., 2020:7).

Янги Конституцияда ўз аксини топган «Дунёвий давлат» тушунчасини таҳлил қилар эканмиз, тараққиётнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилаётган дунёвийлик ғояси асло худосизликка асосланмагани, яқин ўтмишимиздаги ўхшаш даҳрий жамиятни англатмаслигини соғлом мушоҳада қилмоқ лозим. Буни тушуниш учун эса Дин нима? Давлат нима? Уларнинг вазифалари нималардан иборат? Дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабати нималар билан белгиланади? Унда диний эътиқодга қандай ўрин ажратилган? Қолаверса, дин ва умум эътироф этилган тамойилларга асосланган демократия тушунчаси ўртасидаги алоқалар қандай бўлиши керак? деган масалаларни тушуниб олиш керак бўлади.

Маълумки, давлат ўз худудига, суверенитетига, ҳокимият ва бошқарув органлари, махсус мажбурлов аппаратиغا эга, фуқаролардан солиқ ундирадиган, умуммажбурий ҳуқуқ, нормаларини ўрнатадиган, зарур бўлганда уларнинг ижросини куч ишлатиш билан таъминлайдиган сиёсий ташкилотдир (Қориев О., 2000:76).

Давлат – мулкчилик шакллари билан белгилаш, иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, маданий-маърифий ишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, экологик таҳдидларнинг олдини олиш, мамлакатни ички ва ташқи кучлар таъжовуздан ҳимоя қилиш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва амалга оширишда ҳал қилувчи ролни бажаради.

Давлат ўзининг вазифа ва функцияларини Конституцияга асосланган ҳолда: парламент, ҳукумат, вазирлар, суд, адвокатура, махсус хизмат органлари, қуроли кучлари, маҳаллий давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари орқали амалга оширади. Бу ҳақда янги Конституциянинг 15-моддасида: қуйидаги тамойил мустаҳкамлаб қўйилди: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун худудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий

тизимининг таркибий қисмидир. Агар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади. Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023:9).

Бу жараёнда муҳим бир масала – Давлат хусусан, унинг алоҳида органлари ўз вазифа ва функцияларини бажариш асносида диндорлар ва диний ташкилотлар билан хилма-хил муносабатларга киришишади. Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойили унинг асосини ташкил этишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 75-моддасида: «Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди. Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди», деган қоида мустаҳкамланди (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023:9).

Ушбу моддани таҳлил қилар эканмиз, диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилгани диннинг жамиятдан ажратилганини аниқлашганини ҳам таъкидлаш зарурдир. Бу фуқаролик жамиятида дин ўз мавқеига эга бўлишини аниқлатади. Бу ҳам Конституциямизнинг амалдаги ижросидан келиб чиқадиган мантикий ҳулосалардан биридир.

Айтиш жоизки, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, бунёдкор миллий кадрларимизни асраб-авайлаш ва халқимизнинг ҳақиқий маънавий сурати ва сийратини белгиловчи фазилатларни ўзида мужассамлаштирган меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, ўзаро ёрдам, кексаларга ҳурмат, шарқона одоб-ахлоқ, шарму ҳаё каби энг олий инсоний туйғуларнинг туб моҳиятини аниқлаш ва қўз қорачигидек эъозлашда айнан диний ташкилотлар ва дин арбобларининг роли ва ўрни беқиёслигини бугун ҳеч ким инкор этмайди. Аксинча, бундай бунёдкор фаолият қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг сабаби эса, Конституциямизда ана шундай фаолият учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиб берилганидадир.

Дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи бошқа бир тамойилнинг мазмуни дин

соҳасида кечаётган ўзгаришларни ҳолис ва илмий ўрганиш ва шундан келиб чиқиб, ижобий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда намоён бўлади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир муҳим тамойил, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

Бугун дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлардаги динга бўлган муносабат демократия мезонларига асосланганини чуқур идрок этмоғимиз лозим. Бизнинг жамиятимиз тараққиётининг негизи қилиб белгиланган дунёвийлик, ҳурфикрлик тамойили ҳам худди ана шу тажрибаларга асосланган. Шунга кўра, Янги Конституциямизнинг 33-моддасида: «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга» эканлиги, 35-моддада эса «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» тамойили мустаҳкамланди (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023:9).

Конституциямизда инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлмиш виждон, эътиқод эркинлиги кафолатланиши баробарида, фуқароларнинг тегишли равишдаги мажбуриятлари ҳам албатта қатъий белгилаб берилди. 19-моддага кўра, «Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023:9), 71-моддада эса «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий

ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва бирлашмалар ташкил этиш тақиқланади», деган муҳим қоида ўз ифодасини топди (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023:9).

МУҲОКАМА

Конституциявий қоидаларни таҳлил қилар эканмиз таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда дунёвий давлат қуриш йўли танланишининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Бунинг учун дунёвий давлатга хос жиҳатларни, унинг афзалликларини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёвий давлатнинг муҳим жиҳатлари қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топган:

инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик;

демократия ва ижтимоий адолатга садоқат;

халқаро ҳуқуқнинг умумётироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш;

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш;

инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш;

Ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларни давлатдан ажратилганлиги ҳамда қонун олдида тенглиги. Давлатнинг диний бирлашмалар фаолиятига аралашмаслиги;

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш;

ҳозирги ва келажак авлодлар олдида юксак масъулиятни англаш;

Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг ҳуқуқий асослари унинг Конституциясида белгилаб қўйилганлигини ва унга таяниб иш олиб бориш.

Демак, мамлакатимизда давлатчилик асослари дунёвий, демократик бошқарув тузумига асосланади. Дунёвий демократик бошқарувга хос бўлган жиҳатлар қуйидагиларда ўзининг аниқ ифодасини топади:

демократик нормаларга таянадиган ҳуқуқий давлат;

демократияга зид бўлмаган ҳолда тарихий анъаналар ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларидаги миллий хусусиятларнинг сақланиши;

барча фуқароларнинг тенглигига асосланган миллий сиёсат олиб бориш;

унинг сиёсий мавқеи иқтисодий, маънавий ва ҳарбий техник имкониятига, салоҳиятига мос бўлиши;

фуқаролар ижтимоий онгида демократик тафаккурга амал қилиниши;

мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш;

ўз тараққиёт йўлини мустақил танлаш ва амалга ошириш;

ўз қобиғида яшаш мумкин эмаслиги қоидасига таяниш, очиқ демократик давлат сиёсатини юритиш.

Юқорида таъкидланганлар баробарида, мамлакатимизда минг йиллар давомида асрий қадрият сифатида халқимиз қон-қонига сингиб кетган давлатчилик анъаналари шаклланганлигини ҳам доим эътиборда тутиш лозим. Конституциямизга кўра, Ўзбекистон халқининг давлат бошқарув соҳасидаги урф-одат ва анъаналарига содиқ ҳолда демократик бошқарувни амалга оширади. Бу миллий давлатчилиқни демократик жамиятга зид эмаслигини кўрсатади. Бундан ташқари Ўзбекистон демократияни бирон андозадан шундайлигича қўчириб олмаган, миллий қадриятларимиз билан ҳамоҳанг тарзда ривожлантирган.

НАТИЖА

Дунёвий давлат қуришни кўзлаган давлатимизнинг динга муносабатини белгиловчи зикр этилган конституцион мезонлардан қуйидаги иккита асосий хулоса келиб чиқади:

Биринчидан, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий ва адолатли дунёвий давлат қуриш концепциясида дин – маданий-маънавий омиллар умумий силсиласига қирувчи барча қадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли қадрият сифатида сўзсиз тан олинади. Мамлакатда турли дин вакилларининг бағрикенглик ва тинч-тотувликда яшашлари таъминланади. Табиийки, жамиятда турли туман дин ва маданиятлар вакиллари мавжуд бўлган ҳолда, давлат бошқаруви ва сиёсати албатта бир мафкурага ёки диний қарашга асослана олмайди. Бундай шароитда Ўзбекистонда энг адолатли ва тўғри йўл дунёвий давлатчилик бўлиб, ушбу принцип барча динлар ҳамда турли қарашларни тенг ҳурмат қилиш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлайди.

Иккинчидан, соф диний эҳтиёжларни кондиришдан ташқарида бўлган ҳар қандай ғаразга эришиш йўлида диний омилдан фойдаланишга интилиш қатъиян ман этилади. Бошқача айтганда, динни сиёсийлаштиришга йўл қўйилмайди, бироқ айтилган пайтда диний ташкилотлар ва конфессияларнинг ривожланишига кўмак кўрсатилади, уларнинг ички ишларига аралашилмайди, диндорларга диний эҳтиёжларини кондиришларига тўсқинлик қилинмайди.

Бу борада давлат раҳбари 2023 йил 8 май куни референдум якунларига бағишланган учрашувда қуйидагиларни таъкидлади: «Ўзбекистон – дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Халқимизнинг референдум орқали билдирган хоҳиш-иродаси, қатъий танлови ҳам шу!». Шунингдек, маскур тадбирда президентимиз: «Ўзбекистонда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳеч қачон йўл қўйилмаслигига урғу бериб, бундан буён ҳам миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлиги таъминланишини билдирди. Барча диний конфессиялар эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши, мамлакатда миллатлар ва конфессиялар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш сиёсати изчил давом эттирилишини» ҳам қайд этди (Мирзиёев Ш.М., 2021:2).

Демак, дунёвий тамойилга эга давлатимиз диннинг баркамол инсонни вояга етказишдек нозик ва масъулиятли ишдаги чексиз имкониятларидан фойдаланишга интилади. Айтилган пайтда диний даъволар билан никобланган, аслида холис диний эътиқодга мутлақо алоқаси йўқ, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик, сиёсий-ижтимоий барқарорликка таҳдид солувчи ҳар қандай уринишларга дунёвий давлат тузумининг мутлақо муросасиз эканини ҳам аниқ-тиник кўрсатиб туради.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимизда ҳар жабҳада кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётган экан, давлатимиз ва жамоатчиликнинг доимий диққат марказида бўлиши лозим бўлган муҳим масала – фуқароларимиз айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ҳамда мафкуравий иммунитетини ошириб боришдир.

Маълумки, мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва бардавомлигини таъминлашда фаол иштирок

этадиган авлодни вояга етказишдир. Шу боис, ёшлар тафаккури софлигини сақлаш, уларнинг кайфиятлари, орзу-умидлари, интилишларининг мазмун моҳиятини ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш ўта долзарб вазифадир.

Президентимиз ўринли таъкидлаганларидек, «Бугун тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, гўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак» (Мирзиёев Ш.М., 2017:23).

Дарҳақиқат, Ўзбекистон шароитида ёшлар тарбиясида, Шарқ менталитетидан келиб чиқиб, катталарга, ота-оналарга бўлган муносабатларнинг синалган услубларига алоҳида эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Мафкуравий таҳдидлар кучаяётган бир пайтда ёшлар тарбияси масаласи ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Ўзбекистонда бу борада бутунлай муаммо йўқ деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20.12.2022 кунги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бу борада алоҳида тўхталиб қуйидаги фикрларни ўртага ташладилар: «Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?» (Мирзиёев Ш.М., 2022:4).

Президентимизнинг мурожаатномаларини мушоҳада қилар эканмиз, радикализм ва экстремизм илдиз отиб бораётган бугунги кунда жамиятимизда ёшлар тарбиясида аҳамият қаратиш лозим бўлган энг долзарб жиҳатлар қуйидаги тамойилларда намоён бўлишига хулоса қиламиз:

муаммони ҳал қилишнинг дастлабки чораси бу мафкуравий иммунитетдир. Мафкуравий иммунитет қандай ҳосил қилинади ва унга асос сифатида нимани танламоқ лозим? Албатта ўзбек халқининг неча минг йиллар давомида шаклланган маънавий қадриятлари, муқаддас эътиқоди, аждодлар меросидаги қимматли фикрлар

мафкуравий иммунитетнинг асосига айланмоғи лозим. Бу борада Куръони карим оятлари, ҳадислар шунингдек, аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий ғояларида ўз аксини топган халқимизнинг муқаддас эътиқоди ислом динининг одамийлик, олийжаноблик, тўғрилиқ, бунёдкорлик, ҳаё, андиша, оилага, Ватанга муҳаббат каби юксак инсоний фазилатларга тарғиб этувчи қадриятларини жаҳолатга қарши маърифат тамойили асосида ёшлар онгига сингдириш – диний, сиёсий, ғоявий курашлар кетаётган ҳозирги кунда ёшларни радикализм каби хавфлардан ҳимоялашда ўта аҳамиятлидир.

Зеро, президентимиз ўз мурожаатномаларида ҳақли таъкидлаганларидек, «Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур» (Mirziyoyev Sh.M., 2022:4).

- иккинчидан, ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданиятнинг моҳиятини англаш борасидаги қонунларга амал қилиш, янги демократик тамойилларни идрок этиш ва қабул қилиш, ижтимоий ва сиёсий онг, дин ва демократик жамият мувозанатига нисбатан турлича муносабат ва қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, бу борада соғлом вазиятни таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот фаолиятини янада кучайтириш, унинг таъсирчанлигини ошириш, замонавий тарбия технологияларини жорий этиш, таълим сифатини ошириш талаб этилади. Негаки, «Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир» (Мирзиёев Ш.М., 2022:4).

- Ёшлардаги ҳуқуқий онг ва маданият, миллий мафкуранинг вужудга келишида маънавият асосий ўрин тутди. Маънавият улар қалбида камол топиши учун эса ҳар бир ёш авлод ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилинаётган бир шароитда яшаётганлиги ва ўқиётганлигини чуқур ҳис қилишлари керак. Чунки, ҳуқуқий онг ва маданият даражасининг ўсиб бориши фуқароларнинг давлатга, келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Шахснинг ҳуқуқий мафкура ва маданияти давлат тизимида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Булар эса ёшларни аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш натижаси, тарбиянинг юксак кўринишидир. Унинг асосида фуқароларга юклатилган янги бурч ва мажбуриятлар, берилган ҳуқуқ ва эркинликлар, жамият ва давлат, халқ манфаати тушунчаси, Ватан учун ўзини сафарбар қила олишга ишонч кучи ётади. Таъкидлаш жоизки, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган айни пайтда фақат ўз фикри ва қатъий ҳаётий нуқтаи назарига эга бўлган халқ ва унинг тўғри йўлни танлаган ёш авлоди ўз келажagini қуришга қодир куч бўла олади.

- Ёшлар учун касбга йўналганлик ва касбий тайёргарликка интилиш муҳим масала бўлиб, уларнинг тафаккур ва ҳулқида асосий мазмун касб этади. Айнан шу фаолият билан ёшлар ўзларининг жамиятдаги ижтимоий ўринларини ҳис қиладилар. Ёшларнинг юқори даражадаги малака ва обрў-эътиборли касб эгаллашларига интилишлари табиий. Бу борада ёшларнинг бўлғуси касб танлашларида ота-оналар, ўқитувчилар ва жамоатчилик фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Демак, оила, давлат ва жамият ёшларни қанчалик касб-ҳунар эгаллашлари ҳамда билим олишларига бирдек масъул ҳаракат қилмоғи лозим. Президентимиз ўз мурожаатномаларида: «Таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу – ёшларнинг замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат» – эканига алоҳида урғу бериб, «Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак. Шу боис, 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур»лигини таъкидладилар.

Мавжуд муаммоларнинг ечими сифатида мурожаатномада давлат раҳбари истикболдаги мақсадли дастур ҳақида тўхталиб ўтдилар: «Ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади. Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз» (Мирзиёев Ш.М., 2022:4).

- Ёшларни радикализмдан ҳимоя қилишнинг муҳим шартларидан яна бири миллий ғоя ва

мафкуранинг асосий тушунчалари ва принципларини улар онгига сингдириш, миллий ўзликни англаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишдир. Миллий ўзликни англаш, миллий давлатчилигимизни шакллантириш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигига хавф туғдираётган, конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартиришга ҳаракат қилаётган ёвуз ижтимоий-сиёсий кучларга қарши кураш руҳида ёшларни тарбиялаш муҳим омилдир.

Ёшларда миллий ўзликни англаш қобилиятини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири – миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришдир. Миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришда миллий тарбиянинг ўрни ва роли бекиёс. Миллий таълим-тарбияни замон талаби даражасида ташкил қилмасдан ва амалга оширмасдан миллий давлатчилигимизни ташкил қилиш ва унинг мустақиллигини таъминлашимиз, уни турли ёвуз кучлар таҳдидидан муҳофаза қилишимиз амри маҳол. Давлат раҳбари мурожаатномада жадид мутафаккирларимиз қарашларидан иқтибос келтириб: «Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади», дея таъкидладилар. Шунингдек, «Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улғу мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни куришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур» (Мирзиёев Ш.М., 2022:4), эканига алоҳида урғу бериб ўтдилар.

- Бугунги кунда ёшлар ўртасида радикализмни олдини олиш борасида ўз ечимини кутаётган муаммолардан яна бири – бу ёшларда дунёвий сиёсий маданиятни юксалтириш ва уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ёшларини радикализм ва экстремизм таҳдидларидан ҳимоялашда уларнинг таълими, тарбияси,

маънавиятини юксалтиришнинг бирдан бир энг муҳим омили «Жаҳолатга қарши маърифат» билан курашишдир. Бундай кескин ва таҳликали шароитда ёшларни ҳаётидаги синовларга бардошли қилиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, раҳбар-раҳнамо барчамизнинг шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги энг олий бурчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қатъий белгилаб қўйилган дунёвийлик принципи эса, мазкур бурчни адо этишда таянч ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. (2017). Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент: «Ўзбекистон»,
2. Мирзиёев Ш.М. (2017). Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Тошкент: «Ўзбекистон».
3. Мирзиёев Ш.М. 2021-йил 7-декабрда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллигига бағишланган табриги. «Етмиш марта ўйлаб, қарор қилиш керак» - Шавкат Мирзиёев асосий қомусни янгилаш тўғрисида (kun.uz)
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон – дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/05/08/uzbekistan/>
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги (president.uz)
6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // 20.12.2022 <https://president.uz/uz/lists/view/577>.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжумандаги нутқи // Халқ сўзи, № 119. 2017-йил, 16-июн.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022–2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й. № 4.
10. Одиқориев Ҳ.Т. (2000). Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент:Тошкент Давлат юридик институти.

11. Юсупова Н. (2022). Ёшлар ўртасида радикализмни олдини олишда жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг аҳамияти. // Имом Бухорий сабоқлари. №4.
12. Мелиқўзиев Ж. «Дунёвий-маърифий давлат» тушунчаси. «Дунёвийлик – даҳрийлик эмас» тамойилининг мазмун-моҳияти. «Дунёвий-маърифий давлат» тушунчаси. «Дунёвийлик – даҳрийлик эмас» тамойилининг мазмун-моҳияти – oliymahad.uz
6. Mirziyoyev Sh.M. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasi // 20.12.2022 <https://president.uz/uz/lists/view/577>.
7. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023 y., 03/23/837/0241-son) <https://lex.uz/docs/6445145>.
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning «Ijtimoiy barqarorlikni ta’minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi» mavzusidagi anjumandagi nutqi // Xalq so’zi, № 119. 2017-yil, 16-iyun.
9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son «2022–2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2022 y. № 4.
10. Odilqoriev H.T. (2000). Davlat va huquq nazariyasi. Tashkent: Tashkent State Institute of Law.
11. Yusupova N. (2022). Yoshlar o‘rtasida radikalizmni oldini olishda jaholatga qarshi ma’rifat bilan kurashning ahamiyati. // Imom Buxoriy saboqlari. №4.
12. Meliq‘oziev J. «Dunyoviy-ma’rifiy davlat» tushunchasi. «Dunyoviylik – dahriylik emas» tamoyilining mazmun-mohiyati. «Dunyoviy-ma’rifiy davlat» tushunchasi. «Dunyoviylik – dahriylik emas» tamoyilining mazmun-mohiyati – oliymahad.uz

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. (2017). Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. Tashkent: «O‘zbekiston»,
2. Mirziyoyev Sh.M. (2017). Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligi garovi. Tashkent: «O‘zbekiston».
3. Mirziyoyev Sh.M. 2021-yil 7-dekabrda O‘zbekiston Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 29 yilligiga bag‘ishlangan tabrigi. «Yetmish marta o‘ylab, qaror qilish kerak» - Shavkat Mirziyoyev asosiy qomusni yangilash to‘g‘risida (kun.uz)
4. Mirziyoyev Sh.M. O‘zbekiston – dunyoviy davlat va bundan keyin ham shunday bo‘lib qoladi. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/05/08/uzbekistan/>
5. Mirziyoyev Sh.M. O‘zbekiston yoshlariga bayram tabrigi. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги (president.uz)



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,
мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

4/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@maturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишга 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 20.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية